O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 28 июнь, № 127 (4537) Шанба

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аввалambор, сиз, азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадрли дўстлар!

Мана, ўн беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйғотиш, унинг дардларига дармон бўлиш ғояси билан майдонга чиқиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган ана шундай улуғ инсонларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўтган давр мобайнида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугун биз ана шу машаққатли йўлда қанчақанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда.

Бу ўринда гап, аввало, матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидаги аҳамияти, моҳияти ва таъсирини янада кучайтириш, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеаҳодисаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътирозларини билдиришга қодир бўлиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшаши ҳақида бормоқда.

Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳаси заҳматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда муассис ва таҳририятларга фақат расмий ҳужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустақиллик бериш, айниқса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга аён бўлиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун қандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмаслиги керак.

Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай халос бўлишни, уларнинг янада шижоат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш, уларнинг жаҳон журналистикасининг илғор тажрибаларини пухта ўзлаштириши учун тараққий топган мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини кучайтириш, содда қилиб айтганда, ўзаро борди-келдиларни кўпайтириш бўйича тегишли шароит туғдириб бериш ҳам ана шундай муҳим вазифалар қаторига киради.

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотларда журналистларимиз уларнинг меҳнати натижаларидан бахраманд бўладиган муштарийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга бўладилар.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган муҳтарам фахрийларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юриng, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда демократик тамойиллар ва миллий қадриятлар мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрининг шаклланиши, изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан халқимизни кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин, мустақил ва холис фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўн беш йилдирки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги фармонига биноан, мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари 27 июнни ўзларининг касб байрами сифатида кенг нишонлаб келмоқдалар. Зеро, 1906 йил 27 июнь куни ўзбек тилидаги илк газета — "Тараққий"нинг биринчи сони чоп этилган. Юртимизда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши айнан шу сана ва газета билан боғлиқ.

Ўзбек миллий академик драма театрида 27 июнь куни — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

27 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, ўтказилаётган тадбир кун тартибига киритилган масалаларга фаолияти дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ишни «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳам миллий, ҳам халқаро даражада коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга йўналтирилган универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Конвенциянинг мақсади янада самаралироқ ҳамда амалийроқ тарзда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилиниши ва мустаҳкамланишига кўмаклашиш, шунингдек, бу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ва техник ёрдамни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат. Конвенция қоидалари коррупцион жиноий қилмишларнинг олдини олиш, уларни текшириш, тергов қилиш ва бундай қилмиш учун жиноий таъқиб этиш, шунингдек, қамоққа олиш, мусодара қилиш ва бу жиноий соҳада топилган даромадлар қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятга нисбатан қўлланилади. Конвенция, шунингдек, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва коррупция жиноятларини содир этган шахсларни тутиб топшириш тартибини ҳам расамадга солади.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш юзасидан кўлами жиҳатидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатнинг бу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти умумэътироф этилган қоидалар ҳамда стандартларга жавоб беради. Мазкур Конвенцияга қўшилиш Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқларини пухта ҳимоя этиш йўлига қатъий тарафдор эканлигининг ифодаси бўлиб, сенаторлар томонидан маъқулланган мазкур Қонун суд-ҳуқуқ тизимини, давлат хизматини янада такомиллаштиришга ёрдам беради, чет эл инвестициялари учун мамлакатимиз иқтисодиётининг жалб қилувчанлик даражасини оширади.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУНЛАР — ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга юборилган қатор қонунларни кўриб чиқди ва маъқуллади. Мухбирларимиз танаффус пайтида айни шу ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб беришни сўраб, сенаторларга мурожаат қилишди.

Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ, Тошкент давлат юридик институти ректори, Сенат аъзоси:

— Бугун сенаторлар муҳим бир ҳужжатни — "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини маъқуллашди.

Коррупцияга, яъни ўз хизмат лавозимидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиш ва бунинг эвазига ноқонуний даромад орттиришга қаратилган фаолиятга қарши курашиш ҳар бир давлат учун муҳим масала саналади. Зотан, жиноятнинг бу тури шунчаки ғайриқонуний қилмиш эмас, балки давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи хатардир.

БМТ Конвенциясига биноан, коррупция тушунчаси таркибига порахўрлик билан биргаликда, непотизм, яъни шахсий алоқалар асосида кимгадир ҳомийлик қилиш, ўз манфаати йўлида давлат ёки бошқага тегишли бўлган маблағларни ўзлаштириш ҳам киради.

Порахўрлик жамият равнақига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Дейлик, у тадбиркорлар, ишбилармонлар, оддий инсонларнинг кундалик фаолиятига тўсқинлик қилади. Оқибатда ишлаб чиқаришда самарадорлик кескин пасаяди. Ёки мамлакатнинг инвесторларни жалб этиш жозибасига, бошқача айтганда, имиджига салбий таъсир ўтказади.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан коррупцияга қарши ишончли, тизимли ва изчиллик билан кураш олиб борилаётир. Аввало, бунга жамиятни либераллаштириш орқали эришилаётгани айни муддао бўлмоқда. Биргина мисол, давлат бошқаруви такомиллаштирилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлар фаолиятини турли идоралар томонидан текшириш ва назорат қилиш кескин камайтирилди.

Аммо бу борада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Чунки бугун бу офат нафақат битта мамлакат муаммоси, балки трансмиллий характер касб этаётгани ҳам бор гап. Шу боис, мазкур масалани ҳал этишда давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги сув ва ҳаводек зарур. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенцияга бугун 104 давлат иштирокчи саналади.

Конвенцияга биноан, коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашишга қаратилган самарали ва таъсирчан чораларни қўллаш, давлатлараро ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жиноятчиларни топшириш тартибини ўрнатиш лозим. Шунингдек, аъзо давлатларда ҳалолликни, масъулиятни, давлат ва жамоат ишларини тўғри бошқариш ҳамда уларнинг мулкидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ҳам ҳужжатнинг асосий мақсадларидан саналади.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



27 июнь куни Олий Мажлис қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида «Қабул қилинган қонунларни ижрочиларга етказиш: амалиёт, муаммолар ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси Н. Исмоилов бошқарган йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, адлия идоралари вакиллари, олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Маълумки, мамлакатимизда қонунларни ижрочиларга етказишнинг самарали тизимини яратиш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уни Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш ва қабул қилиш ҳамда амалиётга жорий этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. ОАВ, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, расмийлаштириш, кодификация бўлимлари фаолияти назоратини кучайтириш галдаги вазифалар сирасига киради. Бу жараёнда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш муҳимдир. Шунингдек, қонунларни тарғиб қилишда ҳамда унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда депутатларнинг хизмати ҳам беқиёсдир.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қабул қилинган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш нафақат ижтимоий-сиёсий вазифа, балки барчанинг кундалик юмушига айланиши лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, қатнашчилар бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш бўйича ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

Кеча парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида ҳам йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш ва даволашнинг қонуний асослари ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Ушбу тадбир Марказий Осиёда ОИТСни назорат қилиш лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, бугунги кунда ОИВ инфекциясининг глобал эпидемияси дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда бутун дунёда 40 миллион киши мазкур хасталикка чалинган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2007»

танлови ғолиблари

Раҳима РАҲМАТОВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телерадиоканали масъул муҳаррири — Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги туркум радиоэшиттиришлари учун

Саид РАҲМОНОВ — "Халқ сўзи" газетаси мухбири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти ва жамиятимизни жадал ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникациялар воситалари муҳим ўрин тутади. Шу боис ушбу тизимларни ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан жамият фаолияти ва ҳаётининг барча жабҳаларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу вазифани ҳал этишда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг ўзига хос алоҳида ўрни бор. Компания акциядорларининг пойтахтимизда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида унинг 2007 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси кузатув кенгашининг раиси А. Орипов бошқарди.

"Ўзбектелеком" ўз тармоғи билан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудини қамраб олган йирик телекоммуникация оператори ҳисобланади. Компания замонавий технологиялар асосида қурилган ўз телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда, қайд этилган ва мобиль алоқа операторлари ҳамда провайдерларига каналларни ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, маълумотлар узатиш хизматлари, барча турдаги овозли алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари, Интернетдан фойдаланиш, видеоконференц-алоқа, CDMA стандартидаги мобиль алоқа хизматлари кўрсатади, телевизион ҳамда радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналлар ташкил этади. Компания давлат тузилмалари ва идоралари учун йирик телекоммуникация хизматларини тақдим этади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг 4.1-бандига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлиги ҳамда ногиронларнинг ижтимоий, мулкий ва бошқа хил манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан мамлакатда қабул қилинаётган изчил, комплекс чора-тадбирларнинг давоми эканлиги парламент юқори палатаси аъзолари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди. "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалардан кўзланган асосий мақсад ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш шароитларини янада мукаммаллаштиришдан, уларни иш билан, замонавий уй-жой, маиший ва тиббий шароитлар билан таъминлашда ҳуқуқлари ҳамда кафолатларини кенгайтиришдан, шунингдек, Қонуннинг нормалари ва ҳуқуқий механизмларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Сенаторлар ушбу Қонуннинг асосий мақсади қимматли қоғозлар бозорининг имкониятлари ҳамда афзалликларини рўёбга чиқаришга янги ва илғор молиявий воситаларни кенг жорий этиш соҳасида бозор муносабатларини бошқариб ва тартибга солиб боришдан иборат эканлигига алоҳида урғу бердилар. Молия бозорини янада эркинлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг замонавий талаблари, шартлари ва энг муҳим устувор йўналишларига мос келадиган мазкур Қонуннинг маъқулланиши инвесторлар қимматли қоғозлар бозорида ишончли тарзда ва эркин фаолият олиб бориши учун уларнинг ҳуқуқлари кафолатлари рағбатлантирилиши ва мустаҳкамланишига, мамлакатнинг инвестиция имкониятлари кенг сафарбар этилишига, хусусий мулкчиликни ривожлантириш ҳамда унинг иқтисодиётдаги улушини кўпайтиришга, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, Қонуннинг асосий мақсади чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш ҳолларининг олдини олишдан иборат. Хусусан, Жиноят кодексининг 224-моддасида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки тураржой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, ҳудди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун жавобгарлиги кучайтирилган. Сенаторларнинг фикрича, Қонун ғайриқонуний миграцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилиши юзасидан жавобгарлигини оширишга имкон беради.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асносида сенаторлар шуни таъкидладиларки, ушбу Қонундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг айрим нормаларини Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан белгиланган стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, барча вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар авиацияси, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудида учишларни амалга оширувчи чет эллик фойдаланувчилар авиацияси парвозларининг асосий қоидаларини тартибга солиш, қоғозда ёки электрон ифодада расмийлаштириладиган, ташишга оид ҳужжатлар рўйхатини кенгайтиришдан иборат. Сенаторлар томонидан Қонун маъқулланди.

Парламент юқори палатаси аъзолари «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур Қонуннинг асосий мақсади кичик бизнес ривож топиши учун мақбул шароит яратиш, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқувчиларнинг ўз ишланмаларига ҳуқуқий муҳофаза олиш учун қиладиган дастлабки харажатларини ихтирога патент бериш ҳақидаги талабномаларнинг кечиктирилган экспертизаси тизимини жорий этиш орқали қисқартиришдан иборат эканлигига эътиборни тортдилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ихтиро сифатида ҳуқуқий муҳофаза берилиши мумкин бўлган объектлар рўйхатидаги чекловларни йўқотади, ихтиронинг техникавий хусусиятини таъкидлайдиган мезонларни жорий этади, шунингдек, патентнинг амал қилиши вақтинча тўхтатилган даврда саноат мулки объектидан ҳалол ва виждонан фойдаланувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қоидаларни қамраб олади. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Бугунги кунга қадар мазкур Протокол 116 давлат томонидан ратификация қилинган. Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда иштирокчи-давлат томонидан одам савдосига қарши кураш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш (одам савдосининг олдини олиш, жабрланувчиларига тегишли ёрдам кўрсатиш, одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жиноий таъқиб қилиш, бошқа иштирокчи-давлатлар билан ҳамкорлик қилиш), шунингдек, бу масалада миллий механизмларни такомиллаштириш назарда тутилади.

Протоколга қўшилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш тизими янада такомиллаштирилишига, одам савдоси жиноятидан жабр кўрган шахсларга ҳуқуқий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилишига, уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишига, бу соҳада халқаро ҳамкорлик кенгайтирилишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

Сенаторлар бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Миллий матбуотимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган ёши улуғ журналистларни эъзозлаш, уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, меҳнатини қадрлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 26 июнда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари фахрийларини моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармойиши бунинг яна бир ёрқин далилидир. Ана шу Фармойишга мувофиқ, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, касбига фидойилиги билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ матбуот фахрийларига мукофотлар топширилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганидан жуда миннатдормиз, — дейди фахрий журналист, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Мақсуд Қориев. — Бу матбуотдек машаққатли ва масъулиятли соҳага кўп йиллар давомида меҳнати сингган инсонларни қадрлаш, уларга эҳтиром кўрсатишдек эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Биз, фахрийларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат ва эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовдан ғоят миннатдормиз.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Буломов мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ўрни ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда барча жабҳаларда бўлгани каби миллий матбуотимизда ҳам юртимизнинг таянчи ва суянчи бўлган навқирон авлоднинг орзу-интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ёшларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Журналистика соҳасида изланаётган, ўз сўзи, ўз овозига эга бўлиб бораётган иқтидорли қаламкашларни рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар миллий журналистика ривожига йўналтирилган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грантлойиҳаларда, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танлови ғолибларига совринлар топширилди. Айни пайтда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида спорт соҳасини ёритувчи журналистлар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига ҳам совринлар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, мазкур соҳа вакилларини ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбир иштирокчилари учун санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ БАЙРАМИ

ҚОНУНЛАР – ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хулоса қилиб айтганда, Коррупцияга қарши кураш конвенция қоидаларининг имплементацияси давлат хизмати, суд-ҳуқуқ тизими органлари фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби, Сенат аъзоси:

— Биз бугун "Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонунни ҳам маъқулладик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизга дунё халқларининг эътибори ва қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизга кўплаб муҳожирларнинг кириб келишига замин яратди. Хорижий муҳожирларнинг Ўзбекистонда бўлиш тартиб-қоидалари амалдаги қонунларда ўз аксини топган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасида муҳожирларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш каби ижтимоий хавфли қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур модданинг биринчи қисмида чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёхуд доимий қайддан ўтиши (прописка), кўчиши ёки тураржой танлаши юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига амал қилмаслиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлсагина, жиноий жавобгарлик келиб чиқиши назарда тутилган.

Биз бугун маъқуллаган Қонунга мувофиқ, бу турдаги жиноят учун жазо санкцияси энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача белгиланмоқда.

Аҳмад ҲАКИМОВ, Норин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, Сенат аъзоси:

— "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ялпи мажлисда кенг муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида Қонуннинг барча жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди, унинг иқтисодиётимиз тараққиёти йўлидаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Чунки бу ҳужжат бугунги кунимиз учун жуда-жуда зарур эди. Эндиликда бу Қонун туфайли қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларимиз тартибга солинади, амалдаги қонунларнинг нормаларини бир хиллаштириш мумкин бўлади. Халқаро андозаларга яқинлашган ҳужжат бизга хорижий молия бозорларига интеграциялашиш имконини яратади.

Шу ўринда мен Қонуннинг "Қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиши" деб номланган боби ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эдим. Бу боб олтита моддани ўз ичига олган. Унда қимматли қоғозларни, шу жумладан, давлат қимматли қоғозларини, депозит сертификатларни ва векселларни жойлаштириш тартиби ҳамда уларнинг муомалада бўлиши шартлари қамраб олинган. 14-моддага кўра, қимматли қоғозларни жойлаштириш хусусий ва оммавий жойлаштириш турларига бўлинади. Шу билан бирга, қимматли қоғозларни жойлаштиришнинг ҳар бир тури учун қимматли қоғозлар чиқарилишининг энг кам ва энг кўп ҳажми белгилаб қўйилмоқда. Қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши, 15-моддада белгиланганидек, қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёзма шаклда битимлар тузиш орқали амалга оширилади.

Қонунда ташкил этилган бозорларда олди-сотди битимларини тузиш пайтида улар юзасидан ҳисобкитоб қилиш муддатлари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидалари билан, бошқа ҳолларда эса, олди-сотди шартномаларида белгиланиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Белгиланган муддатлар бузилган тақдирда, битим ҳақиқий эмас, деб топилади. 16-моддага мувофиқ, фонд биржаси, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржалар, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси, шунингдек, қимматли қоғозларнинг мулкдори ёки қимматли қоғозларга бўлган мулкий ҳуқуқ эгаси қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ўн тўртинчи ялпи мажлиснинг биринчи иш кунида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига тааллуқли долзарб қонунлар маъқулланди. Мазкур ҳуқуқий мажмуалар юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, уларда инсон манфаати ва фаровонлиги устувор омилдир.

Эсирган БОЛИЕВ, Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда ОИВ касаллигининг олдини олишга қаратилган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, 1999 йилда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг амалиётга жорий этилиши XXI аср вабосига қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларга катта замин ҳозирлади. Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича юртимизда кенг

Амалиёт, муаммо ва ечимлар

кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика, вилоятлар ва шаҳарлар ОИТС марказлари, ҳокимликлар ва уларнинг тегишли бошқармалари томонидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 та ОИТС марказидан иборат Давлат умуммиллий тармоғи ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон — ОИВ инфекцияси тарқалиши даражаси паст бўлган мамлакатлар қаторига киради. Мамлакатимизда ушбу касалликнинг олдини олиш ишлари пайсалга солинаётгани йўқ. Шу билан бирга, бу борадаги ишлар мунтазам равишда кучайтириб борилиши зарур. Пировардида, мавжуд қонунчилик ҳам такомиллаштирилиб, халқаро меъёр ва талабларга мослаштирилиши лозим. Бу каби саъй-ҳаракатлар ОИВ инфекцияси тарқалиши хавфининг камайишига олиб келади.

Семинарда соҳа ходимларининг тақдим этган маълумотлари ва тармоқда мавжуд халқаро тажрибалар депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Тадбирда ушбу масала юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юнус БЎРОНОВ.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2007» танлови ғолиблари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шукирбай СИПАТДИНОВ — "Қарақалпакстан жаслары" газетаси мухбири (Қорақалпоғистон Республикаси) — Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ёшлар ҳаёти, халқ саломатлиги, тадбиркорлик масалаларини ёритган мақолалари учун

Гайрат ШЕРАЛИЕВ — "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлими мудири — Ёшларга бағишланган туркум мақолалари учун

Ольга ЩЕТИННИКОВА — "Голос Узбекистана" газетаси мухбири — "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши кенг ёритилган мақолалари учун

Иномали ЯВМИТОВ — Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси ахборот маркази "Ҳудуд" ахборот таҳлилий дастури муҳаррири — Ижтимоий мавзудаги кўрсатувлари учун

Танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлганлар:

Сайёра АБДУЛЛАЕВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телерадиоканали катта муҳаррири

Карахан ЖЎРАЕВ — "Нурлы жол" газетасининг жамоатчи мухбири

Фарруҳ ЖАББОРОВ — "Ҳуррият" газетаси бўлими мудири

Навбаҳор МАМАЖОНОВА — "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион кўрсатувлар бош муҳарририяти шарҳловчиси

Ҳикоят МАҲМУДОВА — Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи муҳаррири

Рахшона ТОШПЎЛАТОВА — "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

Муҳсин ЮСУПОВ — (Фарғона вилояти) "Мулоқот" нодавлат телеканали муҳаррири

Мавлуда ҚОСИМОВА — "Маҳалла" газетасининг масъул котиби

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ — "XXI аср" газетасининг ўз мухбири

Норбўта ҒОЗИЕВ — Қашқадарё вилояти "Адолат кучи" газетаси муҳаррири

Тошбулоқда савдо мажмуаси

Тўрақўрғонлик хусусий тадбиркор Зокиржон Худойбердиев сармояси ҳисобига бунёд этилган савдо, маданий ва маиший хизмат мажмуаси «Наврўз» деб номланди.

Бу ердаги улгуржи савдо марказида дастлабки кунданоқ мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маданий-маиший моллар сотуви йўлга қўйилди. Каттагина китоб дўкони эса дарсликлар, бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлар, идоравий ашёлар билан тўла.

«Наврўз» ишга тушиши билан Наманган туманидаги 60 нафар ёшлар муқим иш ўрнига эга бўлдилар. Айни пайтда мажмуанинг кейинги босқичи — тантана ва маросимлар зали қурилиши давом этяпти. Лойиҳа тўла амалга ошгач, бу ерда ишловчилар сони 250 нафарга етади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Компаниянинг маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллиондан ортиқ рақамни ўз ичига олган 2 мингдан зиёд АТС бор. Уларнинг 85 фоизи рақамлаштирилган бўлиб, бу электр алоқа тармоғининг иш сифатини ошириш, абонентларга янги турдаги хизматлар кўрсатиш, Интернет тармоғидан юқори тезлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш имконини берди. Бугунги кунда ҳар бир вилоят марказида рақамли АМТСлар ўрнатилган бўлиб, маънан эскирган ана шундай станциялар янгилари билан алмаштирилмоқда.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникацияларнинг замонавий транспорт тармоғига эга. Унинг 96,7 фоизини рақамли узатиш тизими базасидаги каналлар ташкил қилади. Республикамиз шаҳар ва туман марказлари рақамли телекоммуникация тармоқлари билан 100 фоиз қамраб олинди.

2007 йилда компания томонидан қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Ҳисобот йилида барча молиялаш манбалари ҳисобидан қиймати 39 091,3 миллион сўмга тенг инвестиция ўзлаштирилди.

Хитой ривожланиш банки ва Huawei Technologies компанияси билан ҳамкорликда лизинг асосида "Ўзбектелеком" АК телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш" инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа бешта асосий лотни ўз ичига олади.

Хусусан, "ЎзМобайл" филиалининг CDMA-450 стандарти базасида уяли алоқа тармоғи билан қамраб олишни кенгайтириш учун республика вилоятларига қўшимча 70 та базавий станция, шунингдек, барча ҳудудларга мобиль алоқа хизматлари кўрсатишни таъминлайдиган иккита мустақил коммутатор етказиб берилди ва ўрнатилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида транспорт магистраль ва ҳудудлар ичидаги тармоқлар кенгайтирилди.

Тошкент шаҳридаги телекоммуникация тармоғи NGN "Келгуси авлод тармоғи" технологиялари базасида модернизация қилинди ва кенгайтирилди, видеотелефония хизматлари, маълумотлар узатиш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш жорий этилди.

2007 йил якунларига кўра, компания бўйича кўрсатилаётган хизматлардан олинган даромад 177,5 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилга қараганда 14,6 фоизга кўпайди. Умумий хўжалик фаолиятидан тушган даромад 6,5 миллиард, соф даромад эса 3 миллиард сўмни ташкил қилди.

Республикамизда ташкил этилган минибанклар телефонлаштирилиб, уларнинг 1181 таси модемлар билан таъминланди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида юзлаб меҳрибонлик уйлари, болалар уйлари, академик лицейлар, коллежлар, мактаблар, поликлиника ва бошқа тиббиёт муассасалари телефонлаштирилди. Бундан ташқари, турли имтиёзлар берилди, 950 нафардан зиёд ёлғиз пенсионер ва ногиронларнинг уйларига телефон ўрнатилди.

"Коинот" очиқ акциядорлик жамиятининг коммутация ускуналаридан фойдаланган ҳолда, айниқса, қишлоқ жойларда алоқа тармоқларини доимий модернизация қилиш ва кенгайтириш 2008 йилдаги устувор йўналиш ҳисобланади. Энг янги технологиялар базасида "Тошкент — Бухоро" транспорт тармоғи қурилиши, халқаро коммутация марказини реконструкция қилиш, Интернет-канал сиғимини кенгайтириш ишлари давом эттирилади. SMS-email, SMS-web, MMS, мобиль портал турларини янада кенгайтириш режалаштирилмоқда.

В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.

SAVDOGARBANK

Иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган банк тизимининг самарали фаолият кўрсатиши халқ фаровонлигининг юксалишига олиб келади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Банк тизимини эркинлаштириш ҳамда ислоҳ қилишга доир фармон ҳамда қарорлари тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш банклар билан уларнинг мижозлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги иштирокини янада кенгайтириш имкониятини белгилаб берди.

ИШОНЧЛИ ВА КАФОЛАТЛИ

Мамлакатимиз молия бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси бугунги кунда мижозларга хизмат кўрсатиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришмоқда.

Айниқса, кейинги икки-уч йил давомида хизмат турлари анча кенгайди, фаолият кўрсатиш универсаллашди. Бундай ютуқлар ҳақида сўз кетар экан, «Савдогарбанк»нинг Андижон вилояти филиалида амалга оширилаётган ишлар хусусида алоҳида тўхталса, арзийди.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан 604 та мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Уларнинг 366 таси хусусий фирма ва ташкилотлар, ўн еттитаси корхона ва муассасалар, ўн тўққизтаси бюджет ташкилотлари ва 201 таси юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлардир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг муҳим бўғинларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб келинаяпти.

Ўтган даврда бир юз йигирмадан зиёд мижозга кредит ажратилди. Кичик бизнес субъектларига жами 530 миллион сўм кредит ажратилган бўлиб, шундан узоқ муддатли кредитлар салкам тўрт юз миллион сўмни ташкил этади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва маиший хизмат, савдо соҳаларига ҳам қўплаб маблағлар ажратилди. Банк филиали томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига уч юздан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Масалан, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Феррари транс» масъулияти чекланган жамиятини олайлик. Жамият бир неча йилдан буён «Савдогарбанк»нинг Андижон филиали мижози сифатида фаолият юритаяпти. Бу корхона асосан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ўтган йили муассаса ўз фаолиятини янада кенгайтиришга қарор қилиб, янги замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида банкка мурожаат қилди. Бунинг учун эллик миллион сўм кредит сўралди. Банк ходимлари эса ҳисоб-китобни тезда амалга ошириб, керакли миқдордаги кредитни тадбиркорларга ажратиб берди. Ҳозирги пайтда корхона жамоаси автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳасида янги ютуқларга эришмоқда, унинг мижозлари анча кўпайди. Шу билан бирга, қўшимча равишда 15 та янги иш ўрни яратилди.

«Мундуз» ишлаб чиқариш фирмаси эса асосан қурилиш материалларини тайёрлаб, аҳолига ва турли ташкилотларга етказиб бериш билан шуғулланади. Корхона маҳсулотларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Негаки, кейинги йилларда вилоятда бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Одамлар уй-жой шароитларини яхшилаб олишга ҳаракат қилишмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бунинг учун кўплаб ғишт, дурадгорлик материаллари зарур. Шу боис харидорлар талабини қондириш учун корхона ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтириш, маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишга киришди. Янги ёш оила қурилди. Албатта бу оилага мебель жиҳозлари зарур. Ёки телевизор, магнитофон ва бошқа жиҳозлар олишмоқчи. Бундай пайтларда ёшлар «Савдогарбанк»нинг Андижон вилояти филиалига мурожаат қиладилар. Масалан, ўтган йили жисмоний шахсларга ва ёш оилаларга филиал томонидан мебель ва техника сотиб олиш учун етмиш миллион сўм кредит ажратилганди.

Мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур филиал дунёнинг бир қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида пул ўтказишда катта тажрибага эга бўлган «Вестерн Юнион» хизматидан фойдаланиш имконини берди.

Электрон тўлов тизимига ва ғоят қисқа муддатларда хизмат кўрсатишга асосланган ушбу тизим бугунги кунда жаҳоннинг юзлаб мамлакатлари билан мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Кўплаб юртдошларимиз илмий-техникавий, тижорат ва бошқа ишлар билан дунёнинг турли жойларида бўлаётган ҳозирги пайтда тезкор пул ўтказиш тизимидан фойдаланиш уларга катта қулайлик туғдирмоқда.

Шунингдек, жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи «Анелик», «Контакт», «Мигом», «Интерэкспресс» каби пул ўтказиш тизимлари ҳам ишлаб турибди.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларига хизмат қилаётган «Савдогарбанк»нинг Андижон вилояти филиали жамоаси бугунги кунда тизимдаги илғор молия муассасаларидан бириги айланиб бораётир. Филиал ходимларининг ният ишончли ва кафолатли хизмат кўрсатиб, мижозлар қалбига йўл топиш, аҳолининг турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Савдогарбанк»нинг Андижон вилояти филиали бошлиғи.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йили учун қабул бошланганлиги муносабати билан жорий йил 2 июль куни

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ

ўтказилишини эълон қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй.

1081N/1146

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг
«Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 29 июль куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10256/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент метрополитен қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Форобий ва Сағбон кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Форобий» нимстанцияси.

Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 09 тийин.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел. 238-69-94, 238-69-93.

1082N/1148 **Лицензия DB001-000010.**

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ЁШЛАРГА МАДАДКОР

«Ипотекабанк» — бизнинг ишончли ҳамкоримиз!» — дейди уй-жой шароитини яхшилашга муяссар бўлган ёшлар.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол, ҳар томонлама етук бўлиб шаклланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай эзгу мақсадга йўналтирилган тадбирлар Ёшлар йилида, айниқса, кенг кўлам касб этди. Бу борада амалга оширилаётган ишларда кўплаб корхона ва муассасалар, жамоатчилик ташкилотлари қатори "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 24 август куни Вазирлар Маҳкамасида аҳолига, шу жумладан, ёш оилаларга тураржой бинолари қурилишини ташкил этиш масаласига бағишлаб ўтказилган мажлис баённомасида "Ипотекабанк" АТИБга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида 2 тадан кўп қаватли тураржой бинолари қурилишини молиялаштириш вазифаси юклатилган эди. Шунга кўра банк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда пойтахтимиз туманларида жами 1500 дан ортиқ квартирага эга бўлган 47 та кўп қаватли тураржой биноси қурилишини кредитлаш борасида пудратчи қурилиш ташкилотлари танланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бугунгача банкимиз томонидан қурилиш-монтаж ишлари учун зарур бўлган 70-75 миллиард сўмнинг 30 миллиард сўми миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Айни пайтда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Юнусобод, Ҳамза туманларида бунёд этилаётган уй-жойларда ғишт териш ишлари ниҳоясига етказилиб, сувоқ, сантехника ва электр тармоқларини ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу кўп қаватли тураржой биноларида қурилиш-монтаж ишларини жорий йилнинг иккинчи ярмида якунлаб, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига сотиш режалаштирилмоқда. Шу каби уй-жойлар пойтахтимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам барпо этилаяпти.

— Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Маълумки, бугунги кунда юртимизда ёшларга барча имкониятларни, шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу маънода, Фармон ижросига келсак, унинг асосида банкимиз томонидан ҳам тегишли дастур ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, йил бошидан буён 800 та ёш оилага 11,4 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Айтиш жоизки, Президентимизнинг "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Молия вазирлиги томонидан 10 миллиард сўм «Ипотека кредити бериши тизими тўлиқ йўлга қўйилган. Бугунги кунга келиб, имтиёзли шартларда кредитлар бериш учун маблағлар манбаини кенгайтириш, "Ипотека кредитлари беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси" маблағларини ишлатиш механизми яратилди.

Шулардан келиб чиқиб, банк маблағлари ҳисобидан бугунги кунгача уй-жойларни қуриш, уни қайта таъмирлаш ва сотиб олиш учун 903 та оилага 46,8 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Шундан 650 оилага 13 миллиард сўмлик кредитлар шу йилнинг ўтган даврида ажратилди.

Бундан ташқари, жаҳон андозалари даражасида сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик жараёнларни модернизация қилишга кўмаклашиш мақсадида қарийб 18 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йил 24 август куни Вазирлар Маҳкамасида аҳолига, шу жумладан, ёш оилаларга тураржой бинолари қурилишини ташкил этиш масаласига бағишлаб ўтказилган мажлис баённомасида "Ипотекабанк" АТИБга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрининг ҳар бир қўллаб-қувватлаш жамғармаси» орқали банкимизга йўналтирилди. Бугунгача ана шу маблағ тўлиғича ёш оилаларга имтиёзли кредит тариқасида тарқатилди.

Бундан ташқари, қурилаётган бинолардаги квартираларни имтиёзли кредит ҳисобига сотиб олиш учун тавсияномага эга бўлган 1500 дан зиёд ёш оила банкда қайд этилган. Уларга Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 15 йиллик имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан 50-55 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, Юртбошимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни изчил, режали ва самарали давом эттириш имкониятини кенгайтирди. Биз, ўз навбатида, ёшларни ҳар бир жабҳада қўллаб-қувватлашга – хоҳ у тадбиркорлик, хоҳ уй-жой масаласи, хоҳ истеъмол ва бошқа кредитлар бўлсин – доимо ҳамкорликка, амалий муносабатларга тайёрмиз. Ёшлар йилида "Ипотекабанк" АТИБ ёшлар билан бирга ҳамдам, ҳамнафас бўлиб қолади. Бунга бизнинг навқирон, ишчан, ташаббускор жамоамизнинг ишончи комил.

— "Ипотекабанк"и жамоасининг келгуси режалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Эзгу ниятимиз — банкимизни жаҳон миқёсида кучли ва қудратли банклар даражасига кўтариш. Бунга, албатта, эришамиз. Мамлакатимиз аҳолиси, ёш оилаларнинг шинам, кўркам, замонавий уй-жойлар билан таъминланиши йўлида ҳамиша астойдил ҳаракат қилаверамиз.

* * *

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида "Ипотекабанк" ёшларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Банк мижозларидан бири, В. Воҳидов номидаги республика махсус жарроҳлик маркази кардиожарроҳи Хайрулло Бўроновнинг сўзлари фикримизнинг яққол далили бўла олади.

— Мен яқинда уй-жой шароитимни яхшилаш мақсадида ариза билан "Ипотекабанк"ка мурожаат қилган эдим, — дейди у. — Банк ходимлари менга дарҳол ипотека кредити бериш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришди. Олган кредитим эвазига Чилонзордан икки хонали квартира харид қилдим ва оилам билан у ерга кўчиб ўтдим. Энди мен оилавий масалаларга чалғимасдан, ўз касбимга доир ишлар билан кўпроқ шуғулланишим мумкин. Мен ҳар бир фуқаро давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган, тобора ривожланиб бораётган мамлакатда яшаётганимдан бениҳоя бахтиёрман. Юртбошимиз ташаббуси билан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда бундай ғамхўрлик янада ошгани қувончлидир. Биз — ёшларнинг вазифаси эса шу ишончни оқлашдан иборат.

Ҳа, бугун ёшлар масаласи мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, "Ипотекабанк" бу масалаларнинг ижобий ечимини топишда ўз ўрнига эга. Мазкур молия муассасаси навқирон авлод фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти йўлида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
А. ҚУТБИДДИНОВ суҳбатлашди.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **қора рангли формали эркаклар қўнжсиз ботинкалари;**
- **қўнжи баланд хром ботинкалар;**
- **қўнжи баланд булғори чармли (юфтевые) ботинкалар.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй. Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 15 июль соат 17.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 256-74-16, 281-43-72, 255-76-72, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz
Қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ БОШ БОШҚАРМАСИ

2008 йил учун ҳайвонлар касалликларига қарши ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикумларини сотиб олишга 2008 йилнинг 30 июль куни тендер эълон қилади:

1. Туберкулёз
2. Отларнинг манқаси (сап)
3. Ящур (А,О,Осиё-1 типи)
4. Бруцеллёз (шт. «19», «REV-1»)
5. Лептоспироз
6. Қуйдирги
7. Корасон
8. Қўйлар чечаги
9. Брадзот
10. Туялар ўлати
11. Парранда ўлати (шт. «Н»)
12. Кутириш
13. Итлар цистодози
14. Чўмилтириш воситаси
15. Лаборатория диагностикумлари

Товар амалдаги ветеринария қонунчилиги талабларига жавоб берган ҳолда шартнома имзолангач, 45 кун ичида етказиб берилиши талаб этилади.

Тендерга қатнашиш учун таклифлар 2008 йил 28 июль соат 15.00 гача қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун даъвогарларни олдиндан малакали танлаш куни 2008 йил 29 июль.

Тендер ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тендер қатнашчиси учун закалат суммаси — 1 000 000 сўм.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 21-«А» уй. Мурожаат учун телефонлар: 276-49-63, 276-90-85.

1070R/1154

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ РЕЕСТРИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. Акциядорлик тижорат «Пахтабанк».
6. Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк».
7. Очиқ акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» очиқ акциядорлик инновация тижорат банки.
12. «Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки.
13. «Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки.
14. «Кредит-Стандарт» очиқ акциядорлик тижорат банки.
15. «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки.
16. «Парвинабанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
17. «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
18. «Туркистон» хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция банки.
19. «Даврбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
20. «Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
21. «Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки.
22. «Универсалбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
23. «Равнақбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
24. «Invest Finance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки.
25. «ЎзКДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
26. Ўзбек-турк қўшма банки «ЎТ-банк».
27. «АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ, ХЖ».
28. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Пахтани дастлабки ишлаш кафедраси доценти Алишер Салимовга волидаси муҳтарамаси **САДИХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ зиёкори» ОАЖ жамоаси жамият директори Равшан Ҳамзаевга волидаси муҳтарамаси **РАЪНО аянинг** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Бешкентлик Шомурод Шаропов ҳақида гап кетганда биров уни тадқиқотчи биолог деса, бошқа биров тарихий мавзуда қалам тебратувчи адиб, филолог дейди. Униси ҳам, буниси ҳам. Институтнинг биология факультетини битирганлиги ҳақидаги дипломи бор. Қашқадарё вилояти шароитида игнабаргли дарахтларни ўстириш билан боғлиқ муаммолар билан анчадан бери шуғулланади.

СУРАТИДА СИЙРАТИ НАМОЁН

Вилоятнинг тарихи, Насафийлар ва Кешийлар адабий мероси, муқаддас қадамжолар ҳақидаги китоблари ҳам ўнтадан ошди. Қўшни Сурхондарё ва Бухоро вилоятларига оид китоблари ҳам бор.

Лекин Шомуродни ҳамма тан оладиган, ўзи ҳам севадиган, қадрлайдиган, ҳаётини бахшида этган касби — фотожурналистлик. Талабалик йилларида фотография санъатига меҳри тушган эди. Шу ҳавас уни вилоят газетаси таҳририятига олиб келди. Ишни мусаҳҳиҳликдан бошлади. Биринчи марта газетада ўзи ишлаган сурат босилганда боши осмонга етди. Фотожурналистликнинг сир-асрорларини чуқур ўрганишга киришиб кетди.

— Менга вилоятнинг энг зўр фотомухбири Неъмат Содиқов устозлик қилди, — дейди у шогирдлик йиллари ҳақида гап кетганда. — У кишидан ҳамиша миннатдорман. Қирқ йиллик тажрибам бўлса ҳам, унинг ўгитларини эшитишни ҳозир ҳам канда қилмайман. Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Даладан сурат олиб келиш учун хизмат сафарига бирга кетдик. Ғўза энди икки қулоқ бўлган. Тўғридан қараганда кўм-кўк тизилиб турган бўлса-да, оқ-қора суратда нима эканлигини англаш қийин. Шунда Неъмат ака эгатга чўзилиб ётиб олди. Ғўзани пастдан суратга туширди. Устозим жуда озода кийиниб юрарди. У кишининг оппоқ костюмига ачиниб кетдим. Ўзи эса хурсанд. «Ҳали кўрасан, зўр кадр чиқади», дейди ғурур билан. Ростдан ҳам эртасига газетада росмана ғўзани кўриб ҳайрон қолдим. Фотожурналист яхши сурат тушириш учун ўзини ҳам, вақтини ҳам аямаслиги, ҳамма нарсани унутиши керак-лигини англадим.

Шомурод Шаропов ўзи англаб етган шу ҳақиқатга ҳамиша амал қилади. Касбига садоқати туфайли мамлакатимиздаги моҳир фотожурналист сифатида танилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари бўйича фотомухбири бўлиб ишлаяпти. Унинг фотожурналистика ҳақидаги китоби фотоҳаваскорлар учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Истеъдод

— Компьютер, рақамли фотоаппаратлар чиқиб, фотомухбирлик ҳам осон бўлиб қолди, — дейман унинг ҳозирги кундаги фотожурналистика ҳақидаги фикрини билиш учун.

— Йўқ, аксинча, ҳақиқий фотожурналистнинг иши қийинлашди, — жиддий эътироз билдирди у. — Фотосанъаткорнинг сараси саракка, пучаги пучакка ажраладиган вақт энди келди. Компьютерда ямоқчилик билан шуғулланадиган фотомухбирлар журналист ҳам эмас, санъаткор ҳам эмас, биз уларни косиб деймиз. Қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ички дунёсини фақат у билан юзма-юз туриб, мулоқот қилиб турган пайтда чинакам акс эттириш мумкин. Компьютерда пардозлашнинг сунъийлигини газетхон бир қарашда сезади. Ҳақиқий фотожурналист табиий ҳолатда қаҳрамоннинг бадиий образини ярата олиши керак.

Ҳамкасбимиз, фотожурналистика фидойиси Шомурод Шароповнинг ўзи бу қоидага ҳамиша амал қилади, шогирдларини ҳам шунга даъват этади.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ

Жума куни ўзбекистонлик миллионлаб футбол ишқибозларининг нигоҳи ОФК қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур (Малайзия) шаҳрига қаратилди.

Шу куни 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи босқич саралаш учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кўра қитъанинг кучли ўнта жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритадиган бўлди:

"А" гуруҳи:
Австралия
Япония
Бахрайн
Ўзбекистон
Қатар

"В" гуруҳи:
Жанубий Корея
Эрон
Саудия Арабистони
КХДР
БАА

Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионати финал қисми учун Осиё қитъасига 4,5 та ўрин берилган. Тўртинчи босқичда иккала гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар жаҳон чемпионати финал босқичига тўғридан-тўғри йўл олишади. Гуруҳларда учинчи ўринни олган икки жамоа ўртасида ўзаро учрашув (уйда-сафарда) ўтказилади. Голиб Океания Футбол конфедерацияси вакили билан жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб боради.

Тўртинчи босқич "А" гуруҳи саралаш учрашувлари тақвими қуйидагича:

2008 йил, 6 сентябрь.
Бахрайн — Япония
Қатар — Ўзбекистон

10 сентябрь.
Ўзбекистон — Австралия
Қатар — Бахрайн

15 октябрь.
Австралия — Қатар
Япония — Ўзбекистон

19 ноябрь.
Қатар — Япония
Бахрайн — Австралия

2009 йил,11 февраль.
Ўзбекистон — Бахрайн
Япония — Австралия

28 март.
Япония — Бахрайн
Ўзбекистон — Қатар

1 апрель.
Австралия — Ўзбекистон
Бахрайн — Қатар

6 июнь.
Қатар — Австралия
Ўзбекистон — Япония

10 июнь.
Япония — Қатар
Австралия — Бахрайн

17 июнь.
Бахрайн — Ўзбекистон
Австралия — Япония

Учинчи ўринни эгаллаган жамоалар 2009 йилнинг 10-14 октябрь кунлари уйда-сафарда тизимида ўзаро куч синашадилар. Голиб жамоа 2009 йилнинг 14-21 ноябрь кунлари Океания жамоаси билан плей-офф баҳсида битта йўлланма учун кураш олиб боради.

Албатта, тўртинчи босқичда кучсиз жамоанинг ўзи йўқ. Шунга қарамай, Ўзбекистон терма жамоасининг навбатдаги ғалабаларни нишонлашига асослар етарли. Хабарингиз бор, футболчиларимиз олдинги саралаш босқичи беллашувларини жуда муваффақиятли ўтказишди.

Муҳтарам газетхон, келинг, қуръа натижалари ҳақида мутахассислар фикрларига қулоқ тутайлик:

Рауф ИНИЛЕЕВ, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:

— Биз қуръага кўра, Япония, Австралия, Қатар ва Баҳрайн терма жамоаларига қарши ўйнаймиз. Араб футболи бизга жуда яхши таниш. Аммо Япония ва Австралия ҳақида гапирганда, у ерда футбол юксак даражада ривожланганини тилга олиш жоиз. Бундан ташқари, ушбу мамлакатларнинг кўпгина футболчилари Европа жамоаларида тўп суради. Шунга қарамай, гуруҳимизда ким етакчи-ю, ким аутсайдер, деган саволга жавоб беролмайсиз. Боиси, барча жамоаларнинг олдига қўйган мақсади бир, яъни — 2010 йилда ЖАРда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал йўлланмасини қўлга киритиш. Ишқибозлар қўлаб-қувватлаб турса, албатта, финал йўлланмасига эга бўламиз.

Биродар АБДУРАИМОВ, футбол фахрийси:

— Бундан олдинги Германияда ўтказилган жаҳон чемпионати саралаш босқичида ҳам йигитларимиз фаол иштирок этишганди. Ўшанда бизга озгина омад ва тажриба етишмаганди. Эсингизда бўлса, тўп узатишларда, ўйинчиларни жой-жойига қўйишда, жамоавий ўйинда камчиликлар бор эди. Шукрки, бугунги Ўзбекистон терма жамоасини аввалгиси билан солиштирганда анча ўсишга эришганини кузатиш мумкин. Эътибор туфайли иқтидорли ёш футболчилар авлоди шаклланди. Эришилаётган натижалар ҳам яхшиланиб бораяпти. Футболчиларимиз гуруҳдаги хоҳлаган жамоа билан тенгма-тенг кураш олиб боришига ишонаман.

Бахтиёр МАМЕДОВ,
Ўзбекистон Футбол федерацияси масъул ходими:

— Финалга чиқиш учун имкониятлар етарли. Адашмасам, йигитларимиз Австралиядан ташқари, гуруҳдаги барча терма жамоалар билан учрашувларда майдонга тушишган. Фақатгина яхши тайёргарлик кўрилса, исталган натижага эришиш мумкин.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Сурхондарёда энг номдор газета — «Термиз оқшоми». Термиз шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг нашри. Чиқа бошлаганига етти йил тўлди. Ва воҳа жамоатчилигининг назарига тушди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗАРИДАГИ НАШР

Икки марта «Келажак овози» республика кўрик танловининг ғолиби бўлди. Икки марта ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоатчилик фондининг грантини ютиб чиқиб, соврин олди.

Бу ютуқларнинг сабаби оддий — сергаклик. Шу суронли даврнинг ёруғ, эзгу қутбларини илғаб, кўриб, кўрсата билиш, қутбларни қўлнинг кафтига сиғдириш салоҳияти. Узоқ Узун туманининг чекка бир қишлоғида яшайдиган 90 ёшли Шаҳар момонинг муборак ҳаж зиёрати учун жамғарган маблағини мактаб қуришга сарфлаганини ҳаммадан аввал «Термиз оқшоми» кўрди. «Сурхон воҳаси» фермер хўжалигида йигирмага яқин ишлаб чиқариш тармоғи шитоб билан ишлаб тургани ҳақидаги мақолани ўқиб юзлаб, минглаб фермерлар чорвачилик ва бошқа тадбиркорлик йўналишларига қўл урдилар. Газета баҳор фаслида дарахт гуллайдию қишда қор ёғади деганга ўхшаш гапларга ўралашиб ўтирмади. Қамровни катта олиш ҳаракатини қилди. Шаҳарда ёш оилаларнинг уйжой таъминоти муаммосига назар солди. Йўловчи ташиш хизмати хусусида

Маънавият

муносабатларини билдирди. Зулфия мукофоти соҳибалари Гули Сайдалиева, Эътиқод Отақуловага вақтида газетанинг бир оғиз ширин сўзи қанот бағишлади. Эркин Маҳмадалиев, Сарвгул Холова сингари ўнлаб, юзлаб ёш ижодкорлар қаламлари «Термиз оқшоми»нинг ижодкорлар устахонасида чархланганини унутмайдилар.

Куюнчаклик, қусурли ҳолатлар қаршисида сукут сақлаб турмаслик газетанинг яна бир фазилати. Бир хилват тоғ қишлоғида ўқувчилар ўқиб турган иморат (мактаб) кимошди савдосига қўйилганидан газета бошқаларни огоҳ этади. Олий ўқув даргоҳидаги — талабаларни қабул қилишга тегишли нохушликлар тафсилоти босилган газета қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади.

Дарвоқе, газета қошида спорт тўгараги ишлаб турибди. Ҳуқуқий-маслаҳат, ёш ижодкорлар тўгаракларини фаолият кўрсатмоқда.

Ҳа, мухбир виждони билан яшаётганларнинг юрти асло завол топмагай. Бу виждон кўзларга нур, ниятларга соҳирлик, юмушларга барака бахш этиб боргай.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Санъат

Самарқанд шаҳридаги «Чорсу» галереясида «Ёшлар — ишончимиз ва келажагимиз» мавзуида санъат асарлари ҳамда фотосуратлар кўргазмаси очилди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Унда самарқандлик ёш рассом ва ҳунармандлар, фотосуратчиларнинг она-юртимиз гўзал ва бетакрор манзаралари, қадимий ва замонавий иншоотлар, миллий анъана ва маросимлар, шунингдек, ёшлар ҳаёти акс этган асарлари намойиш этилмоқда.

Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хусусида сўз юритилди.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Ишонч телефони:

ТАДБИРКОРГА ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ

Адлия бошқармаси ҳузурида кеча-ю кундуз ишлаб турган «Ишонч телефони»ни бугун вилоятдаги аксарият тадбиркорлар, ишбилармонлар яхши билишади. Улар ўзларининг фаолият юритишларига тўсқинлик қилаётган омиллар, айрим раҳбарларнинг тўрачилик, калондимоғлик, тамагирлик ҳатти-ҳаракатлари ҳамда бошқа масалалар юзасидан истаган пайтларида ушбу телефонга мурожаат қилишлари мумкин.

«Ишонч телефони» билан боғлиқ масала юзасидан, мана, ёрқин бир мисол: яқинда Бағдод туманида фаолият кўрсатаётган «Фахриёр Усмонов» хусусий корхонаси раҳбари Ғ.Қорабоев «Ишонч телефони» орқали боғланиб, фаолият юритишига туман солиқ идорасидаги айрим ходимлар амалдаги солиқ қонунларига зид равишдаги ҳатти-ҳаракатлари билан тўсқинлик қилаётганликларини далиллар билан изоҳлаб берди. Қўнғироқ изидан Бағдод туманига йўл олдик. Маълум бўлишича, хусусий корхона раҳбари солиқ органлари томонидан текширув ўтказилгунга қадар фаолиятини тафтиш қилиб, англашилмовчилик туфайли тўланмай қолган 3 миллион сўм солиқни тўлайди. Бу ҳақда туман солиқ идорасига хабар ҳам юборади. Лекин идорадагилар бу хабарни инобатга олмай, корхона фаолиятини тафтиш қилиш учун текширув органларига мурожаат қилишади.

Таҳлил

Афтидан, солиқ идораси ходимлари шу йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 133-моддасида «Солиқ тўловчи ўз хатоларини солиқ органлари томонидан ҳужжатли (саноққа асосланган) текширув ўтказилгунга қадар мустақил равишда тузатган тақдирда ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилади», деб кўрсатиб қўйилганлигидан бехабар бўлишган ёки билиб билмасликка олишган кўринади. Уларнинг ўзбошимчалиги, солиқ кодекси талабларини менсимасликлари адлия ходимлари томонидан тўғрилаб қўйилди. Хусусий корхона эгасини овора қилган туман солиқ идораси ходимлари У.Аҳмадқулов ва Б.Эгамовларга интизомий чора кўрилди.

«Микрокредитбанк»нинг Фарғона вилояти филиали ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига ҳам адлия ходимлари чек қўйишди. Банкда ин қуриб олган бир гуруҳ юлғичлар Бағдод туманидаги «Баҳор» фермер хўжалиги ҳисоб рақамидаги маблағларни хўжалик раҳбари, бош ҳисобчи рухсатисиз, уларни тўловларга рухсат берадиган ҳужжатларисиз бошқа ташкилотларга ўтказиб юборишган. Бу ҳам етмагандай, олинган кредит фоизини ортиқча белгилаб, ноқонуний маблағ олишган.

Адлия ходимлари аралашувидан сўнг фермер хўжалиги ҳисобидан ноқонуний ўтказиб юборилган маблағ ҳамда ноқонуний фоиз миқдори жами 2 миллион 74 минг сўмлик маблағ хўжалик суди орқали ундириб берилди.

Адлия бошқармаси ходимлари янги рўйхатдан ўтган агрофирмалар, кичик корхоналарнинг оёққа туриб олишлари, фаолиятларини жонлантиришлари учун ҳам яқиндан кўмаклашишаяпти. Янги иш бошлаган 35 та кичик бизнес субъектига йил бошидан амал қилинаётган Солиқ кодекси талаблари бўйича 37,5 миллион сўм солиқ суммасининг тўлов муддатларини бир йил кечиктиришда амалий ёрдам берилди.

Бошқарма ходимларининг асосий фаолияти тадбиркорларга ёрдам бериш, уларни ҳар хил олғирлардан ҳимоя қилишда таянч ва суянч бўлишга қаратилган.

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармасининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи. [t]

Ўзбекистон Бадиий академияси
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

***Истиқлол йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳри, шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий тус олиб бормоқда. Хусусан, 2200 йиллик тўйини нишонлаётган Тошкент шаҳрида кўплаб анъанавий ва замонавий меъморчилик мажмуалари қад ростламоқда, гўзал парк ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Мазкур мажмуалар ва хиёбонлар пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг маданий ҳордиқ чиқариши, ёшларнинг эстетик тарбиясига хизмат қилиши учун уларни замонавий ижодий намуналар билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги хиёбон ўриндиқлари (скамейкалари) лойиҳаси учун*

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1.Танловда барча профессионал ижодкорлар ва ҳаваскорлар қатнашишлари мумкин.

2. Танлов ҳайъати ғолиб деб топган энг яхши лойиҳа Тошкент шаҳри парк ва хиёбонларида фойдаланилади.

3. Танловга ишлари қабул қилинган иштирокчиларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда Бадиий академия махсус дипломлари топширилади.

4. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5. Танловга қабул қилинган лойиҳа ва эскизлар эгаларига қайтарилмайди ҳамда (муаллифлик ҳуқуқи сақланган ҳолда) ҳокимликлар ва ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Қўшимча маълумотлар учун тел.: *256-34-07*
Танлов муддати:
2008 йил 20 июнь — 10 июль
Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй, Ўзбекистон Бадиий академияси биносида қабул қилинади.

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»

Шу мавзудаги энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Юнус Ражабий номли Жиззах вилояти мусиқали драма театрида бўлиб ўтган мазкур танловда ўзига хос ижро услуби билан томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборини қозонган Феруза Бойманова, ака-ука Озод ва Шуҳрат Ғаниевлар, Аслиддин Хўжамқулов, Қаҳрамон Бобоқулов каби хонандаларнинг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Ғолибларга дипломлар ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Танлов ғолиблари республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишади.

Ғайратжон ҚОРАБЕКОВ.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автойўл» магистраль йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Урганч шаҳри, Обводная (Бинокор) кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв.метрни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типида қурилган, 2 қаватли туражой биноси. ***Бошланғич баҳоси — 659 701 905 сўм.***
2. Хонқа туманида жойлашган, умумий ер майдони 13483,56 кв.метр, шундан қурилиш ости ер майдони 3175,92 кв.метрни ташкил қилган консерва заводи ва ёрдамчи хўжаликлари, мол-мулклари мажмуаси. ***Бошланғич баҳоси — 71 975 300 сўм.***
3. Урганч — Хива йўлининг 1-километрида жойлашган, 2 қаватли, 3 корпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи хўжаликлари мажмуаси (*янги меҳмонхона биноси, меҳмонхона биноси ва бостирмаси, соғломлаштириш мажмуаси ва дам олиш биноси, гараж биноси ва бостирмаси, қоровулхона биноси, қозонхона биноси, ёрдамчи бино, омборхона биноси, колбаса цехи биноси, қўйхона, молхона бинолари ва бостирмаси, темир бостирма, айвон (беседка), бассейн, асфальт майдон, девор, фонтан, дарвоза, ҳожатхона, фонарь ва трансформатордан иборат*).
Бошланғич баҳоси — 407 202 682 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 15 июль куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода иштирок этиш истагидагилардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш истагидагилар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Хоразм вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотека-банк»и «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6 7